

Тилга ихтисослаштирилган ОТМ талабаларининг назарий грамматик компетенциясини такомиллаштириш

ЎзДЖТУ, Самиева Сайёра Неъматовна

Грамматик компетенция лингвистик компетенциянинг ажралмас қисми бўлиб, у ўз навбатида чет тил коммуникатив компетенцияси таркибига киради. Чет тил коммуникатив компетенциясининг субкомпетенцияларидан бири бўлган грамматик компетенция, бир томондан, грамматик ҳодисалар ва улар ифодалаган тушунчалар ўртасида ўрнатиладиган алоқа ва қонуниятларни, иккинчи томондан, она тили билан тил ўртасидаги ўзаро таъсир имкониятларини назарда тутди. Шу муносабат билан кўплаб тадқиқотчилар грамматик компетенцияни чет тили таълимида коммуникатив-когнитив ёндашуви нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар: коммуникатив – чет тилда нутқ фаолиятини эгаллашни тарғиб қилувчи ёндашув, когнитив ёндашув*концептуаллаштириш жараёнини рағбатлантирувчи ва бунинг натижасида ўқувчи онгида чет тил концептларининг ҳосил бўлиши. Грамматик компетенция махсус грамматик когнитив моделларни шакллантиришни назарда тутди, қайсики бу моделлар мияда семантик моделлардан ажралган ҳолда сақланади. Ушбу когнитив моделлар лингвистик мулоқот дараёнида чақирилади (1).

Европа Кенгаши ҳужжатларига кўра, *грамматик компетенция* деганда, грамматик элементларни билиш ва уларни нутқий фаолиятда қўллай олиш тушунилади. Расман, маълум бир тилнинг грамматикасига жумла тузиш (грамматик элементларни жумла ясаш учун бирлаштириш)га имкон берувчи қоидалар мажмуи сифатида қаралади. Грамматик компетенция маълум бир мазмунни тушуниш, уни ибора ва жумла кўринишида тил қоидаларига мос ҳолда расмийлаштириб баён этиш қобилиятини ўз ичига олади (ёдлаб олинган намуналарни механик равишда келтириб чиқаришдан фарқли ўлароқ).

Грамматик компетенция таркибида қуйидаги компонентлар мавжуд: 1) лексик бирликларни мазмунли нутқ баёнига айлантирувчи грамматик қоидаларни билиш; 2) коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш учун турли коммуникатив вазиятларда чет тили нутқ фаолиятида грамматик воситалар билан ишлаш ва грамматик ҳодисалардан етарли даражада фойдаланиш кўникма ва малакалари; 3) маълум бир мазмунни ўрганилаётган тил қоидаларига мувофиқ шакллантириб оғзаки ва ёзма нутқ шаклида ифодалай олиш ва тушунишга тайёр бўла олиш (2).

Демак, грамматик компетенция чет тил коммуникатив компетенциясининг ажралмас қисми бўлиб, ўқувчининг нутқий баённи оғаки ва ёзма шаклларда тушуна олиши ва қура олишидир, бу жараёнда нутқий баён хорижий тил маданияти концептлари ҳақидаги билимларга ҳамда шу концептларни таҳлил қилиш ва тушунишга асосланади. Грамматик компетенция - ўқувчи хорижий тил маданияти концептлари ва уларни ифода этиш воситаларини ўз она тилисида мавжуд бўлган ўхшаш маданий концептлар ва уларни ифода этиш воситалари билан таққослаш жараёнида грамматик воситалардан маданиятлараро мулоқот жараёнида коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш учун уларни қўллаш қобилиятидир" (3).

Биз мазкур мақоламизда тилга ихтисослаштирилган ОТМ талабаларининг инглиз тили назарий грамматик компетенциясини такомиллаштиришга оид машқ ва топшириқлар тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Кўплаб тадқиқотчилар талабаларни инглиз тили грамматикасини ўргатиш масалаларини кўриб чиққанлар (Ўзбек тадқиқотчилари Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Саттаров, Ў.Қ.Юсупов, М.А.Абдуллаева, А.А.Исоқов, хориж тадқиқотчилари Н.В.Кондрашова, И.Какир (İsmail Çakır), О.Е.Савельева, Ш.С.Атлуханова, О.А. Бадмаева, Н.А.Бороздина, Р.Г. Гасанова, Д.Г.Матвеева, Н.В.Антонова ва Ж.М.Шмелевалар, С.В.Самарская, М.В. Щербакова, Б.Лекова, А.А.Гамалинская ва бошқалар).

Чет тил грамматикасини ўргатишда машқ ва топшириқларни бажариш муҳим ўрин тутди. Ж.Ж.Жалолов ва Т.Сатторовлар чет тилларни ўрганишда қўлланиладиган машқлар системасини *шакллантирувчи, ривожлантирувчи* ва *такомиллаштирувчи* машқлар турларига бўлганлар (4; 14-б.).

Е.А.Лагайнинг тадқиқот ишида эса машқлар 3 турга ажратилади: *рецептив* машқлар (тайёрлов, аналитик ва имитатив), *репродуктив* машқлар (синтетик, яримконструктив), *продуктив* машқлар (конструктив ва трансформацион) турларига бўлиб ўрганилган (5).

С.Саидалиев машқларни иккита турга ажратади: *тилга оид* машқлар ва *тайёрлов* машқлари. Унинг фикрича, тилга оид машқларни нутқий амалиёт билан боғлаш, пировард натижада тилдан муомала воситаси сифатида фойдаланиш, малакасини ривожлантириш учун хизмат қилади. Тайёрлов машқлари фақат тил материаллини (фонетик, грамматик, лексик) ўзлаштиришни таъминловчи машқларнигина ўз ичига олмай, балки фикрларни шакллантириш ва ифодалаш усуллариини ўргатувчи, нутқ механизмларни шакллантирувчи машқларни ҳам ўз ичига олади (6; 85-б.).

Биз талабаларга грамматикани ўргатишда муҳим ўрин тутган назорат ва рефлексия машқларига тўхталиб ўтмоқчимиз (7; 21-б.). Талабаларда грамматик компетенциянинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва шу билан биргаликда талаба ўзига баҳо беришга оид “назорат ва рефлексия” босқичидаги (“фикр-мулоҳаза юритиш” – яъни ҳар бир талаба грамматик материални қай даражада ўзлаштирганига ўзи баҳо бериб фикр-мулоҳаза юритади) вазифа ва топшириқлар. “Рефлексия” атамасига изоҳ беришни жоиз деб билдик. *Рефлексия* – (лотинча *reflexio*- ортга қайтиш, акс этиш). Кишининг ўз ҳатти ҳаракатларини ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли (8; 145-б.). Таълим жараёнидаги рефлексия бу – дарснинг бир босқичи бўлиб, унда талаба ўзининг билимини, ҳатти-ҳаракатини (ҳис-туйғусини), ўз фаолиятининг натижаларини ўзи таҳлил қилиши, баҳолашидир (9; 380-б.). Рефлексия босқичини дарс жараёнида гуруҳ ва индивидуал бўлиб ишлашда, маъруза ва семинар машғулотларида ташкиллаштириш мумкин. Талаба янги мавзунини мақсадда ўзлаштириши, мавзу унга келажакда нима учун керак, дарсда қандай мақсадларга эришиши ҳамда ўзига ва гуруҳдошларини қай даражада баҳолай олишини тушуна олиши керак. Қуйида биз назорат ва рефлексия машқларидан намуналар келтирамиз:

1. Study the Key terms, be ready to present their definitions and translate them into your mother tongue.

Proper and common nouns, animate and inanimate, human and non-human, countable and uncountable, concrete and abstract nouns. Gender, gender classifiers, the oppositional structure of the category of gender, person (human) and non-person (non-human) nouns, masculine and feminine nouns, common gender, lexical gender distinctions, grammatical personifying transposition.

2. Read the following quotation. Comment on the ideas implied. Be ready to express your own opinion on the matter under consideration. Translate the extract if it seems helpful.

3. Make up tests on the types of Nouns in English, their functions in the sentence.

4. Make up tests on Parts of speech in English, their functions in the sentence.

5. Make up a chart to compare Morphological composition of Nouns in English, Uzbek and Russian. (L1, L2, L3,). Decide which language is the first, the second or the third for you. For example:

Nouns	Uzbek	Russian	Uzbek	German
simple				
derivative				
compound				

Хулоса қилиб айтганда, назорат ва рефлексияга оид машқлар бўлғуси мутахассис талабаларни ўзларига ва шерикларига баҳо беришга ундайдиган вазифа ва топшириқлар: тестлар (уларни аудиторияда ўтказиш, текшириш, хатоларни топиб таҳлил қилиш), дебатлар, мунозара ва баҳслар (гуруҳда), ролли ўйинлар, лойиҳа (“Энг яхши грамматик билим” конкурслари, грамматик викториналар ташкиллаштириш) тайёрлаш ва ҳ.к.ларни бажариш орқали келажакда ўзларининг касбий компетенциялари ҳақида тасаввурга эга бўлишларига ёрдам беради. Назорат ва рефлексияга оид машқ ва топшириқларни бажариш орқали талабада ўзини ва ўқувчиларини назорат қилиш, яъни ўзининг ва ўқувчиларнинг хатоларини топиб ва тўғирлаб таҳлил қилишга, эгаллаётган билимини ўзи қидириб топишга, мустақил ўрганиш, олинган билимлардан ўзи хулоса чиқаришга ва уларни келажакда синфда қўллай олиш малакалари шаклланади.

Адабиётлар:

- 1) Рублева Е.А. Совершенствование иноязычной грамматической компетенции с использованием тестовой композиции (на материале испанского языка): автореф. дис. ... канд. пед. наук. Пятигорск, 2006)
- 2) Рябцева О.М. Формирование грамматической составляющей иноязычной компетенции // изв. юж. фед. ун-та. технические науки. 2010. № 10. т. 11. С. 116–119.
- 3) Кашенкова И.С. Роль грамматической компетенции при определении целей обучения грамматической стороне иноязычной речи специалистов-муждународников [Текст] / И. С. Кашенкова // Филологические науки. Вопросы теории и практики. - 2013. - № 8 (26), Ч. 1. - С. 80 - 83.

- 4) Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Тошкент: “Ўқитувчи, 2012. – 432 б.
- 5) Лагай Е.А. Лингвометодические основы обучения учащихся билингвов 5-6 классов средствам выражения определительных отношений в русском языке: Дисс. ...канд.пед.наук. - Т., 2005.-196 с.
- 6) Саидалиев С. Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар. – Наманган. – 2004. -238 б.
- 7) Подгорская О.Н. Формирование грамматической компетенции как составляющей иноязычной коммуникативной компетенции будущего учителя иностранного языка/ Известия Волгоградского государственного педагогического университета/Языкознание и литературоведение. 2018, 20-24 с.
- 8) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, - Т., 2006. – 582 б.
- 9) Rezeda M. Khusainova, & Svetlana E. Chirkina, & Rashida G. Gabdrakhmanova. The Role of the Reflective Activity of Students in Individual Educational Trajectory. Review of European studies. Vol. 7, 5. 2015. DOI: 10.5539/res.v7n5p146.